

Тафсир илмининг пайдо бўлиши тарихи



11:00 / 16.05.2022 3080

Маълумки, Қуръон оятлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга 23 йил мобайнида бўлак-бўлак ҳолда нозил қилинган. Ва бу оятларнинг ўқилишини ва маъноларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга тушунтириб берар эдилар. Шу билан бирга улар бу оятларни ўз ҳаётларига тадбиқ қилар эдилар. Дарҳақиқат, мусулмонлар бу улуғ каломни чуқур ўрганишлари билан унга таважжуҳ қилишдан ўзга улуғлик ва ундаги яхшиликлардан ўзга инсонга фойдали бўлган хайрият йўқлигини тушуниб етган эдилар. Қуръон холис араб тилида нозил бўлганлиги учун унинг оятларининг маъноларини тушунар эдилар. Шу билан бир қаторда асл мақсади нозик бўлган Қуръон оятлари бор эдики, уларни тушунишда саҳобалар ҳам тўсиқларга дуч келар эдилар. Аммо бу узоққа чўзилмас эди. Улар бундай ҳолларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилар эдилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга

бу оятларнинг асл моҳиятини баён қилиб берар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръон оятларини етказиш вожиб бўлганидек, унинг маъноларини баён қилиб, шарҳлаб беришлари ҳам вожиб эди. Шу тариқа тафсир илмига бўлган эҳтиёжлари ҳам ортиб борди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло ўз каломини балоғат ва фасоҳатда етук ҳолда берди. Қуръони Каримни эшитган одамлар бу инсоннинг каломи эмаслигига иқрор бўлдилар. Ўша калом инсу жинга зарур бўладиган барча аҳкомларни ўз ичига олган. Бу оятларни ўқиб ўрганиш ва шарҳлашга зарурат туғилди. Уламолар Аллоҳ таолонинг каломини тушунишга енгиллик бўлиши учун ушбу каломга шарҳлар ёздилар. Уни «Тафсир» илми деб номладилар. Ҳар бир илмни билишдан олдин ўша илм у ном билан аталган исмнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини билиш зарурийдир, токи у илмнинг мафҳуми тушунарли бўлмоклиги учун.

«Тафсир» сўзи арабча – “رِسْفَاتٌ، رِسْفٌ، رِسْفِيٌّ، رِسْفٌ” сўзидан олинган бўлиб, «баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш», каби маъноларни англатади. Уламоларимиз истелоҳида эса:

**هلل دارم كلال د ثي ح ن م دي ح م ل ا ن ا ر ق ل ا ن ع ه ي ف ث ح ب ي م ل ع
ه ي ر ش ب ل ا ة ق ا ط ل ا ر د ق ب ك ل ا ع ت**

Яъни, Унда инсон қудрати етгунча Аллоҳ таолонинг муродига далолат қилиш жиҳатидан Қуръони Каримдан баҳс қилинадиган илм.

Абу Ҳайён раҳматуллоҳи алайҳ билдиришларича тафсирнинг истилоҳдаги яна бир маъноси:

**و ا ه ت ا ل و ل د م و ن ا ر ق ل ا ط ا ف ل ا ب ق ط ن ل ا ة ي ف ي ك ن ع ه ي ف ث ح ب ي م ل ع
ه ي ب ي ك ر ت ل ا و ة د ا ر ف ا ل ا ا م ا ك ح ا**

ك ل ذ ل ت ا م ت ت و ب ي ك ر ت ل ا ة ل ا ح ا ه ي ل ع ل م ح ت ك ل ا ا ه ي ن ا ع م و

Илми тафсир шундай илмки, унда Қуръон алфозларини адо этиш ҳолати ва унинг мафҳумотлари, унинг ёлғиз ва мураккаб бўлган ҳолатларидаги ҳукмлари, мураккаб ҳолатида қандай маъно ифода этмоклиги ва яна носих-мансух, шаъни нузул ва мубҳам қиссаларни тафсил ила баён этмокликдан баҳс юритилади.

Тафсир илми келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнида бир неча қисмларга бўлинган.

Биринчи қисм – «Тафсир бил маъсур».

Бу қисмдаги тафсирда муфассир Қуръони Карим оятларини ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари билан тафсир қилади. Бу услубда ёзилган тафсирларнинг машҳурлари қуйидагилардир:

Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг «Жомиъул баён фи тафсирил Қуръон», Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад Бағавийнинг «Маъолимут танзил», Имодуддин Исмоил ибн Касирнинг «Тафсирул Қуръонил азим», Жалолиддин Суютийнинг «ад-Дуррул мансур фит-тафсири бил маъсур» китоблари.

Иккинчи қисм – «Тафсир бир – рай».

Бу қисмда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди ила тафсир қилади ва у иккига: жоиз ва ғойри жоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай билан тафсир қилишда муфассир ишончли масдарларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб тафсир қилади. Жоиз бўлмаган қисмда эса, муфассир жаҳолат, бидъат ва залолат билан тафсир қилади, шунинг учун ҳам алломалар бу навдаги тафсирни ман қилганлар. Жоиз бўлган рай билан қилинган тафсирлардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн Фахридди Розийнинг «Мафотиҳул ғайб», Насриддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзовийнинг «Анворут-танзил ва асрорут-таъвил», Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийнинг «Мадорикут-танзил ва ҳақоикут таъвил» китоблари.

Учинчи қисм – «Тафсири ишорий».

Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси билан тафсир қилади. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир. Бу қисмга доир тафсирлар Низомиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Хусайн Хуросоний Найсобурийнинг «Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон», Шерозийнинг «Ароисул баён фи ҳақоикил Қуръон» китоблари. Кейинчалик тафсирнинг йўналишлари кўпайиб кетди.

Бинобарин, ҳар кўзга кўринган ривоят билан Қуръони Карим оятларини тафсир этавериш дуруст эмасдир. Чунки у ривоят заиф бўлиб, бошқа саҳиҳ ривоятларга муҳолиф бўлиши ҳам мумкин.

Ҳақиқатда бу иш ўта нозик масаладир, шунинг учун бу соҳага фақатгина ўз умрларини ана шу фанга сарф этган зотларгина машғул бўлмоқликлари муносибдир. Аллоҳ таоло барча муфассирлардан рози бўлсин.

Хадичаи-Кубро аёл-қизлар ўрта махсус таълим муассаси

3 босқич талабаси Нурматова Гулноза